



ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

2020 йил 7 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 19 (14.070)

Баҳоси эркин нарҳда

УГЛЕВОДОРОД ҚАЗИБ ОЛИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 февраль куни нефть-газ саноатидаги ишлар натижадорлиги, табиий газ ва суюқ углеводородлар қазиб олиш ҳажмини ошириш бўйича жорий йилги вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Нефть-газ саноати аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари учун энергия манбаи, кўплаб маҳсулотлар учун хом ашё етказиб берадиган муҳим соҳадир. Шу боис энергетика, нефть-газ, геология йўналишларида чуқур таркибий ислохотлар, рақобатбардошликни кучайтиришга қаратилган дастурлар амалга оширилмоқда.

“Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти бошқарув тизими такомиллаштирилди, унинг таркибиди бўлган “Ўзтрансгаз” ва “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамиятлари алоҳида ташкилотлар сифатида қайта ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан янги конларни аниқлаш, углеводород хом ашёси захираларини ривожлантиришнинг барча ташкилий-моявий жиҳатлари белгилаб берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ақинда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида хорижий экспертларни нефть-газ соҳасидаги давлат корхоналарини бошқаришга жалб этиб, уларнинг самарадорлигини ошириш ва харажатларини мақбуллаштириш, қарз миқдорини камайтиришга эришиш лозимлигини таъкидлади. Янгидан тасдиқланган ҳукумат олдига шу борада устувор вазифалар қўйилди.

Йиғилишда нефть-газ соҳасида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Яратилган шароитларга қарамастан, тизимли

муаммолар барҳам топмаётгани, бу бошқа тармоқлар ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидлаб ўтилди.

– Бир нарсани ҳаммамиз тушуниб олишимиз лозим. Биз соҳадаги камчиликларни бартараф этиш бўйича ўтган уч йилда кўпгина чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этдик. Лекин натижаларни таҳлил этадиган бўлсак, ҳали нефть-газ, электр энергиясининг барқарор таъминотида ҳалқимиз, тадбиркорларимиз талабини тўла қаноатлантира олмаямиз. Шунинг учун, ҳар бир масалага чуқур эътибор қаратиб, янгича ёндашулар асосида самарали иш тизimini ташкил этишимиз керак. Агар бу вазифаларни ўз вақтида амалга оширмасак, иқтисодиётимизда кўзлаган мақсадларимизга эриша олмаёмиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Корхоналарни модернизация қилиш ишлари етарли эмаслиги, газ етказиб беришда йўқотиш кўлиги ҳамда узилишларга йўл қўйилаётгани қайд этилди.

Энергетика вазирлигига жорий йилда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига ёқилма маҳсулотларини барқарор етказиб бериш учун табиий газ қазиб олишни 2019 йилгига нисбатан 4 миллиард куб метрдан зиёд кўпайтириш вазифаси қўйилди. Ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш ораллигидаги технологиялар сарф ва йўқотишларни камайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Нефть-газ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича “лойиҳа офиси”га илғор халқаро консалтинг компанияларини жалб қилиш, корхоналарда раҳбар ходимларнинг маошини фаолият самарадорлигини ба-

ҳолаш кўрсаткичларига (KPI) боғлаш зарурлиги таъкидланди. Соҳадаги барча корхоналарда коррупцияга қарши курашиш бўйича “комплаенс назорат” тизими жорий этилиши белгиланди.

“Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятига ҳар бир коннинг ҳолатини танқидий таҳлил қилиб, табиий газ қазиб чиқариш ҳажмини ошириш вазифаси қўйилди.

Аҳолининг суўлтирилган газга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида пропан-бутан аралашмасини ажратиб олиш қурилмасини барпо этиш ва модернизация қилиш бўйича 3 та лойиҳани яқунлаш лозимлиги қайд этилди.

Шўртан газ-кимё мажмуасида синтетик суюқ ёқилғи (GTL) ишлаб чиқариш заводи қурилишининг бориши кўриб чиқилди. Соҳа корхоналарида “рақамли кон”, ҳўжалик бошқаруви ва ресурсларнинг автоматлаштирилган ҳисобини юритиш дастурларини (ERP) жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

“Ўзтрансгаз” ва “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамиятларига жорий йил июль ойига қадар 2,5 мингта йирик истеъмолчини табиий газ ҳисобини юритишининг онлайн тизимига улаш вазифаси юклатилди. Табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишининг автоматлаштирилган тизimini жорий этиш доирасида камиди 2 миллион истеъмолчига замонавий электрон газ ҳисоблагич ўрнатилди зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган чора-тадбирларни жадаллаштириш бўйича масўулар белгиланди.

ЎЗА



● Термиз туманидаги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллигига бағишланган адабий-бадий кеча ўтказилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида ўтказилган кенгайтирилган раёсат мажлисида олий таълим муассасаларида ўтган йилда амалга оширилган ишларнинг сарҳисоби ва жорий йилги долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, олий таълим муассасалари ректорлари, филиаллар директорлари, вазирликлар, таълим инспекцияси раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

● “Наманган” эркин иқтисодий зонасининг Чуст туманида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Меҳнат ярмаркасида эркин иқтисодий зона ҳудудида фаолиятини бошлаган корхоналар билан бир қаторда Чуст, Поп, Тўрақўрғон туманлари ҳамда Наманган шаҳридаги кўплаб ҳўжалик юритувчи субъектлар 1 минг 500 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

● Жиззах шаҳрида инвестиция дастури асосида қуриб битказилган вилоят эндокринология диспансерининг замонавий янги биноси фойдаланишга топширилди. Тадбирда вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



● Amazon раҳбари ва дунёнинг энг бой одами Жефф Безос бор-йўғи 15 дақиқа ичида яна 13 млрд. долларга бойилди. Бу ҳақда Bloomberg агентлиги хабар берди. Безоснинг янада кўпроқ бойишига Amazon акцияларининг 30 январдаги биржа савдолари ёпилишидан кейин электрон савдо вақтида 12 фоизга қимматлашиб, нархи 2,1 минг долларга етиши сабаб бўлган. Акциялар нархи компаниянинг 4-чорак бўйича муваффақиятли ҳисоботи сабабли кескин кўтарилган. Ҳисоботга кўра, компаниянинг 4-чорак бўйича даромади 87,4 млрд. доллар, бир акция учун даромад эса мутахассислар прогноз қилган 4,11 доллар ўрнига, 6,47 долларни ташкил қилган. Шунинг эвазига Amazon'нинг 12 фоиз акциясига эғалик қилувчи Безоснинг бойлиги 129,5 млрд. долларга етган.

● Сўнги ўттиз йилда вируслар тарқалиши ҳолатлари кўпайди. Хитойдаги янги коронавирус каби вирусдан касалланиш оқибатида эпидемиялар келиб чиқиши одатий ҳолга айланмоқда. Лекин нима учун? Бугунги кунда Ер юзи аҳолиси ҳар қачонгидан кўра кўпроқ, Сайёрада бугунги кунда – 7,7 млрд. киши яшамоқда, аҳоли сони кундан кунга ортмоқда ва зичлашмоқда. Одамлар кўпаймоқда – кенгликлар тораймоқда. Бу эса патогенлар (касаллик қўзғатувчи бактериялар) одамлар орасида тез тарқалишини таъминлайди.

ЕВРОПАНИНГ ОСИЁ ТАДҚИҚОТЛАРИ ИНСТИТУТИ САЙТИДА МУРОЖААТНОМА БЎЙИЧА ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Европанин Осиё тадқиқотлари институти веб-сайтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси юзасидан шарҳ эълон қилинди.

Унда институт Осиё тадқиқотлари мувофиқлаштирувчиси Альберт Туркстра ва кичик илмий ходими Калум Томсоннинг фикр-мулоҳазалари келтирилади.

“Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномаси орқали мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ қилиш бўйича кейинги қадамлар тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлди. Ўзбекистон 2017 йилдан бўён халқаро ҳамжамият кўз ўнгида жадал ривожланмоқда”, – дейилади шарҳда.

Таъкидланганидек, Президент Шавкат Мирзиёев Мурожаатномасида фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари ролини ошириш, камбағалликка қарши курашиш, коррупцияни тугатиш ва қонун устуворлигини таъминлаш каби муҳим масалалар қайд этилган.

Муаллифлар мақолада Ўзбекистонда 2020 йилнинг Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинишига эътибор қаратиб, рақамлаштириш мамлакатда рақобатдош иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида фикр билдиради. Ёш малакали битирувчилар учун муносиб иш ўринлари яратиш, жамият ривожига ижобий таъсир кўрсатишини баён қилади.

Шунингдек, экспертлар Мурожаатномада белгиланган вазифаларнинг Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси билан ўзаро боғлиқ эканини таъкидлайди. Экспертлар фикрига кўра, Европа ва Марказий Осиё рақамли иқтисодиёт соҳасида ҳамкорликни кенгайтиради. Иқтисодиётни рақамлаштириш чегараларини бошқариш, давлат идоралари, савдо, транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантиришдаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

“Олий таълим соҳасида Ўзбекистон юқори натижаларга эришмоқда. 2016 йилдан бўён мамлакатдаги олий ўқув юрталарида талабалар сони икки баравар кўпайди. 19 та янги институт ва университет ташкил этилди. Мамлакатда АКШ, Жанубий Корея каби 13 та чет эл университетлари филиаллари фаолият юритаётганини мамнуният билан қайд этиш керак”, – дейилади мақолада.

Муаллифлар мамлакатимизнинг транзит салоҳиятига тўхталиб, “Яқин келажақда Ўзбекистон транзит салоҳияти икки бараварга ортиши мумкин”, дея ўз қарашларини келтириб ўтади.

“Денгиз йўлига тўғридан-тўғри чиқиш имконига эга бўлмаган Ўзбекистон ривожланиши учун транспорт-коммуникация муҳим аҳамиятга эга. Самарали ва ишончли транспорт тармоғи Ўзбекистон тараққиётини тезлаштиришга ёрдам беради”, – дейилади Европанин Осиё тадқиқотлари институти веб-сайтида эълон қилинган мақолада.

“Дунё” АА Брюссель



ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИГА ОИД 10 ЖИЛДЛИК ҚЎЛЛАНМА ЧОП ЭТИЛДИ

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ривожига, айниқса, профессионал журналист кадрларни тайёрлаш, жамиятда сўз эркинлигини таъминлаш, журналистларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш механизмларини янада кучайтириш каби масалаларга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, малакали, замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштирган кадрларни тарбиялаш, уларнинг ҳар томонлама пухта билим олиши учун зарур шарт-шароит яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли топшириғи билан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги зимма-

сига журналистларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш нуктаи назаридан келиб чиқиб, улар учун халқаро тажрибани ўрганган ҳолда, назарийчи олимлар ҳамда амалиётчиларнинг тажрибалари асосида журналистика соҳасига оид қўлланма тайёрлаб, соҳадаги журналистларга тақдим қилинган эди.

Олимлар, профессор-ўқитувчилар жалб этилган ҳолда беш ой ичида 10 жилдлик қўлланма тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида журналистика соҳасига оид ушбу қўлланманинг тақдимот маросими ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистондаги вакиллари, Халқаро миграция ташкилоти, БМТ тараққиёт дастури, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, дипломатик корпус вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, шунингдек, “Cotton Campaign” халқаро коалицияси аъзолари иштирок этган тадбирда таъкидланишича, 2019 йилда мамлакатимизда ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 9 фоизни ташкил этган, бу эса 2018 йилга нисбатан 0,3 фоиз пасайганини кўрсатади. Ишлаш истагидаги бўлганларнинг умумий сони 1 миллион 335,3 мингга ташкил этилди, бундан 15 фоизи 16-30 ёшдагилар, 12,8 фоизи аёллар улусига тўғри келади.

2019 йилда меҳнат ресурслари сони 19 миллиондан ошган. Ҳозир банд бўлган аҳоли сони 15 миллионни ташкил қилмоқда. 2019 йилда илк бор расмий секторда банд аҳоли сони 2018 йилга нис-

ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА МУНОСИБ МЕҲНАТНИ ТАЪМИНЛАШ

Пойтахтимизда Олий Мажлис Сенати, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбати шу мавзуга бағишланди.

батан 3,7 фоизга кўпайиб, 5 миллион 712 мингга ташкил қилди. Норасмий секторда банд бўлганлар сони (меҳнат мигрантлари ҳисобга олинмаганда) 5 миллиондан зиёд. Мамлакатимиздаги ишсизлар сони 1 миллион 300 нафарни ташкил этмоқда. Ҳар йили 600 мингдан зиёд ёшлар меҳнат бозорига кириб келмоқда.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзиля Норбоева ўзининг 100 йиллик фаолияти давомида жаҳонда ижтимоий адолатни

илгари суриш ва меҳнатқашлар ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилган Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорликни Ўзбекистон юксак кадрларини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз 1992 йилдан бўён Халқаро меҳнат ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Ҳозирги кунга қадар мамлакатимиз ХМТнинг 17 та конвенцияси ҳамда 1 та конвенция протоколини ратификация қилган.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 19 сентябр-

да Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича таъсирчан чоралар қўрилаётганини таъкидлаб ўтган. Мана шу кундан юртимизнинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди.

(Давоми 2-бетда)

Акс-садо

ЎЗБЕКИСТОНГА БЎЛГАН МУҲАБАТИМИЗНИ ЯНАДА ОШИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномаси ҳам сиёсий, ҳам тарихий аҳамиятга молик бўлган ҳужжат сифатида мени ҳам бафарақ қолдирмади.

Бу, айниқса, фуқаролик масалаларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида муҳим қадам бўлди. Собиқ иттифок даврида Ўзбекистон Республикасидаги олий ўқув юрларида таҳсил олиб, иш билан таъминланиб, оила қурган ҳамда ишга жойлашиб қолган инсонлар ҳанузгача Ўзбекистон фуқаролигини ололмади сарсон-саргардон бўлаётган эди. Мазкур қарор давлат раҳбарининг одилона ва оқилона сиёсатидан дарак берган ҳолда, ватандошларимизнинг Ўзбекистонга бўлган меҳр-муҳаббати ва сарқатгани янада орттириб, фарзандларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта имкониятлар яратди.

Шу ўринда айтишим жоизки, миллатлараро тотувлик ва диний багрикенглик кўп миллатли Ўзбекистоннинг асосий шioriларидан бири деб биламан. Чунки, ҳар бир давлатда тинчлик, бирдамлик, дўстлик ва ҳамжихатлик ҳукмронлик қилмаса, бу давлатнинг келажаги буюк бўлмайди. Мазкур йўналиш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ва Қозоғистон халқи ассамблеяси ҳамкорлигида кўпгина ишлар амалга оширилди. Масалан, 2019 йилнинг 14-15 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтган "Урта Осиё – умумий уйимиз"

деб номланган халқаро конференцияда бир гуруҳ қозоғистонлик делегация вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносида Қозоғистон ўзбекларининг халқ оғзаки ижоди "Ҳой-ҳой ўлан, жон ўлан" фольклор китоби тақдироти ўтказди. Тошкент шаҳридаги "Халқлар дўстлиги" концерт саройида Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатларининг таниқли санъаткорлари иштирокида "Дўстлик тароналари" деб номланган катта концерт дастури намойиш этилди. Қозоғистон ўзбеклари этномаданий бирлашмалари "Дўстлик" ҳамжамияти ва Ўзбекистон Республикаси қозоқ миллий маданияти маркази билан ҳамкорликда икки давлат ёзувчи ва шоирларининг ижодий кечалари, миллатлараро тотувликка йўғрилган тадбирларини ўтказиб келмоқда.

Мазкур Мурожаатноманинг асосий тамойиллари ва устувор мақсадларидан яна бири миллий ҳавфсизлик ҳамда эл-юртнинг тинчлиги ва осийшталлигини таъминлашдир.

Мазкур тарихий муҳим ҳужжат, яъни Мурожаатноманинг ҳар бир йўналиши ва тамойилларини амалга оширишда кўп миллатли ўзбекистонликлар бир тану бир жон бўлиб, бир ёқадан бош, бир енгдан қўл чиқариб, самарали меҳнат қилишларига ишонамиз.

Икромжон ҲОШИМЖОНОВ, Қозоғистон ўзбеклари этномаданий бирлашмалари "Дўстлик" ҳамжамияти раиси

ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ЙЎЛИДА МУНОСИБ МЕҲНАТНИ ТАЪМИНЛАШ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биргина 2019 йилда мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам бериш ҳамда Давлат меҳнат инспекциясининг ваколатларини кенгайтириш мақсадида ХМТнинг 2 та конвенцияси, яъни "Саноат ва савдодаги меҳнат инспекцияси тўғрисида"ги ҳамда "Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси тўғрисида"ги конвенциялари ратификация қилинди.

Президентимизнинг айти йўналишдаги ислохотларнинг кенг қўламада амалга оширилишини таъминловчи фармон ва қарорлари қабул қилинди. Хусусан, Президентнинг "Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони имзоланди. Унга кўра, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш соҳасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий имижини олға суришда давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш мақсадида Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ва унинг таркибиде Мажбурий меҳнатга қарши курашиш кичик комиссияси ҳам ташкил этилди.

Анжуманда халқаро экспертлар томонидан бугунги кунда меҳнат муносабатларига дахлдор қарашлар эскиргани, жамият ривожланишининг янги қўрнини ва шакллариға муҳтож экани қайд этилди.

Бугун меҳнат бозориде кечаётган яна бир муҳим ҳодиса ишчи кучи сонининг ортиб бораётганидир, – дейди Халқаро меҳнат ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори Хайнц Коллер. – Ҳисоб-китобларға кўра, 2030 йилға бориб ривожланаётган давлатларда ишчи кучи ўртача 60 фоизға ўсади. Ўзбекистон аҳолиси йилдан йилға кўпаймоқда. Ишсизликка барҳам бериш мақсадида мамлакатиниғизда ҳар йили миғлаб янги иш ўринлари яратилаётгани эътиборға молик. Бунда ислохотлар натижасида иқтисодий ўсиш сурьатлари кузатилаётгани муҳим ўрин тутмоқда. Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, Ўзбекистон сўнги йилларда пахта етиштириш ва териб олишда болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатга буткул барҳам берди.

2018 йилда АҚШ Меҳнат вазирлиги Ўзбекистонни пахта етиштириш ва териб олишда болалар меҳнатидан фойдаланувчи мамлакатлар рўйхатидан чиқарди, Халқаро меҳнат ташкилотининг дастлабки ҳисоботида эса мажбурий меҳнатға қарши курашишда Ўзбекистонда салмоқли юксалишлар кузатилгани қайд этилди.

Экспертларнинг сўзлариға кўра, пахта йиғими-терими даврида мажбурий меҳнатдан фойдаланиш масаласиға келганда, Ўзбекистонда узоқ муддатли ва барқарор ечимларни ишлаб чиқиш учун яқка тартибдаги, секторли ёндашув етарли эмас. Пахта соҳасидаги аниқ чора-тадбирлар, масалан, мониторинг, хабардорлиқни ошириш ва иш ҳақини ошириш кабилар мажбурий меҳнатдан фойдаланишни қисқартиришға катта таъсир кўрсатган бўлса ҳам, Ўзбекистон учун меҳнат бозорининг умумий бошқарувини кучайтириш зарур.

Сўнги икки йил ичиде Ўзбекистон муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини амалға ошириш доирасида қатор чора-тадбирларни амалға оширди.

Таъкидланишича, ишға муҳтож 1,3 миллион киши ҳамда ёшлар ва аёллар ўртасидаги ишсизлик даражаси юқори бўлган шароитда, Ўзбекистон иш билан таъминлашни ривожлантириш сиёсатининг муҳим устувор йўналиш эканини тан олди. Халқаро меҳнат ташкилоти меҳнатға оид инклюзив ва инновацион сиёсатни амалға ошириш учун миллий салоҳиятни оширишға оид ёндашуви меҳнат бозорининг тез ўзгариши шароитида бандлик ҳизматлари ва дастурларини мослаштириш ва модернизация қилишни устувор йўналиш деб билади.

Асосий вазифа аҳолини иш билан таъминлаш агентликларининг сифатли хизматларни тақдим этиш ва мавжуд рақамли технологиялардан фойдаланиш қобилиятини қўллаб-қувватлаш ва кучайтиришдан иборат. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, чуқур иқтисодий ислохотлар даврида муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш, ишчилар ва уларнинг оилаларини ҳимоя қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қаровини кенгайтириш учун иш билан таъминлаш ва ижтимоий сиёсатға комплекс ёндашиш зарур.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат миграциясини тартибға солиш, меҳнат муносабатлари истиқболларининг фундаментал тамойиллари каби устувор вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Нурилло НАСРИЕВ

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИГА ОИД 10 ЖИЛДЛИК ҚЎЛЛАНМА ЧОП ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унда Сенат аъзолари, депутатлар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вакиллари, журналистлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

– Қисқа вақтда ушбу китобларни тайёрлаш учун Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди, – деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Дилшод Саиджонов. – Қўлланманинг ҳар бир жилди, боблари, мавзуларни аниқлаш мақсадида юқорида қайд этилган олий таълим муассасалари вакиллари билан бир қаторда Журналистлар малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Дунё" ахборот агентлиги, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси вакиллари, таниқли ижодкорлардан иборат таркибда ишчи гуруҳ тuzилди. Бир неча бор маслаҳат йиғилишлари ўтказилди. Ҳар бир жилд бўйича масъул муҳаррирлар танлаб олинди ва уларнинг тавсиялари асосида муаллифлар таркиби шакллантирилди.

Қўлланманинг ҳар бир жилди – "Журналистика назарияси, тарихи ва тараққиёти", "Журналистика ҳуқуқи ва этикаси", "Медиаинженерлик ва тахир", "Медиа-маркетинг ва менежмент", "Босма оммавий ахборот воситаларида жанрлар ва маҳорат масалалари", "Аудиовизуал журналистика", "Онлайн журналистика ва медиада янги трендлар", "Замонавий медиа муҳитида PR-хизматлар", "Ихтисослашган журналистика", "Журналистика социологияси ва психологияси" минг нусхадан наشرдан чиқарилди.

– Утган йили Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалариға оид 10 жилд қўлланма чоп этилади, дейилганда кўпчилик ишонмаганди, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Хуршид Дўстмуҳаммад. – Бу биз учун кутилмаган ҳолат эди. Маълумки, ҳамма соҳада амалиёт ва назария ёнма-ён юради. Шу кунгача ўзбек миллий журналисти-

касида назария анча орқада, илмий салоҳият жуда заиф эди. Соҳаға оид нақд 10 жилд китоб чоп этилгани олимлар, профессорлар нимаға қодир эканлигини амалда кўрсатди. Энди ёшлар фақат ўқиши, изланиши керак. Бундан бошқа йўлимиз йўқ.

Тайёрланган қўлланма олий таълим муассасаларида таълим жараёнида фойдаланиши билан бир қаторда, "Журналистнинг шахсий кутубхонаси" сифатида ҳар бир тахирриятда, журналистларнинг шахсий китоб жавонларидан ўрин олишға арзайдиган адабиётлар сифатида тайёрланди.

– Соҳамизға оид китобларға эҳтиёж доим юқори бўлган, – деди Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети проректори Нозима Муротова. – Журналистика соҳасиға оид 10 жилдлик қўлланма чоп этилиши билан соҳаға оид китоб етишмовчилиги муаммосининг ҳал этилиши йўлидаги биринчи қадам қўйилди. Чунки бу соҳа шунчалик тез ривожланаётган даврда журналистикаға оид китоблар ҳорижда тез-тез чоп этилар, бизда эса маълум маънода оқсоқлик бор эди. Амалға оширилган бу ташаббусни олқишлаймиз. Мазкур 10 жилдлик қўлланмадан бундан олдин чоп этилмаган маълумотлар бор. Мақола, рисолалар шаклида тор доирада эълон қилинган маълумотлар ҳам мавжудлиги бизнинг катта ютуғимиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 24 январь кун Олий Мажлисға йўллаган Мурожаатномасида ҳам оммавий ахборот воситаларини ҳар доим қўллаб-қувватлашни билдириб, соҳаға оид масалаларға алоҳида урғу берди. Жамоатчилик назоратини кучайтиришда ҳам ОАВларнинг ролини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг эътибори асосида тайёрланган мазкур 10 жилдлик қўлланма Илим, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили учун муносиб совға бўлди, дейиш мумкин.

Ушбу қўлланма мамлакатимизда тобора юксак аҳамият касб этиб бораётган оқчилик сиёсатининг янада ривож топиши ҳамда унинг асосий иштирокчилари саналмиш журналист ва блогерларнинг назарий билимларини янада мустаҳкамлашға муносиб хизмат қилади.

Хуршид ҚОДИРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Президентимизнинг 2019 йил 12 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори мазмун-моҳияти ва унинг ижросиға бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ СОДДАЛАШАДИ

Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари ва ҳарбий хизматчилар томонидан янги тахирриятдаги низомда белгиланган вазифалар бўйича маълумот берилди.

Мамлакатимизда ҳарбий хизмат нуфузини юксалтириш ва Куролли Кучларимиз ханговар шайлигини янада ошириш мақсадида ватанпарвар, интеллектуал салоҳиятли ёшлар билан бутлаш, контракт бўйича ҳарбий хизматға қабул қилиш шартлари, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси масалалари ва резервға бўлаши тартиби билан боғлиқ кўплаб масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Ривожланган хорижий давлат амалиётини ўрганиш, йиллар давомида ҳарбий хизматни ўташ тартиби билан боғлиқ йўналишда вужудға келган муаммолар, ўлланган ҳаётий тажриба ва хизмат амалиёти инноват олган ҳолда янги-янги низом лойиҳаси 80 фоизға ўзгартирилди.

Қайд этилгандек, янги тахирриятдаги Низом билан Куролли Кучларимизни контракт бўйича ҳарбий хизматчилар билан бутлашнинг экстерриториал принципи билан бирга яна янги – территориал принципи жорий этилди. Мазкур норманинг янги низом билан тасдиқланиши ҳарбий хизматчиларнинг хизмат жойини ўзгартириш (ротация) билан боғлиқ бўлган барча масалаларни тартибға солади.

Янги лойиҳа билан амалиётға пенсия ҳисоблаш вақтида ҳарбий хизматдан ташқари давлат хизматларининг бошқа тартиби назарда тутилган вазирликлардаги хизмат махсус унвон берилган кундан бошлаб ҳарбий хизмат муддатиға қўшиб ҳисобланиши тўғрисидаги норма киритилди. Низомнинг янги тахирри лойиҳасида



контракт бўйича ҳарбий хизматчиларни бир вазирлик тизимининг бошқа бириға ўтказиш тартиби соддалаштирилиб, номенклатура лавозимлариға кирмайдиган ҳарбий хизматчиларни бошқа вазирликларға ўтказиши вазирлик раҳбарларининг ўзаро келишуви асосида амалға ошириш тартиби белгилаб қўйилди.

Шунингдек, вазирлик томонидан уй-жой билан таъминланмаган контракт бўйича ҳарбий хизматчиларға уларнинг аризасиға биноан тақдим қилинаётган уй-жойни умумий қийматининг 25 фоиздан 50 фоизгача миқдордаги дастлабки бадал пулини давлат бюджетни маблағлари ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўлаш йўли билан узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитини бериш тизими бўйича турар жойлар берилиши мумкинлиги тўғрисида янги норма киритилди.

– Президентимизнинг мазкур қарори Ватанимиз фуқароларининг ҳарбий хизматға бўлган қизиқиши янада орттириш, юртимизда ҳарбий хизмат нуфузи ошишиға хизмат қилади, – дейди Мудофаа вазирлиги бош бошқарма бош-

лиги Фарҳод Шерматов. – Низомнинг янги лойиҳасида ҳарбий-касбий танлов ўтказиш тартиби соддалаштирилиб, номенклатура лавозимлариға кирмайдиган ҳарбий хизматчиларни бошқа вазирликларға ўтказиши вазирлик раҳбарларининг ўзаро келишуви асосида амалға ошириш тартиби белгилаб қўйилди.

Шунингдек, вазирлик томонидан уй-жой билан таъминланмаган контракт бўйича ҳарбий хизматчиларға уларнинг аризасиға биноан тақдим қилинаётган уй-жойни умумий қийматининг 25 фоиздан 50 фоизгача миқдордаги дастлабки бадал пулини давлат бюджетни маблағлари ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўлаш йўли билан узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитини бериш тизими бўйича турар жойлар берилиши мумкинлиги тўғрисида янги норма киритилди.

– Президентимизнинг мазкур қарори Ватанимиз фуқароларининг ҳарбий хизматға бўлган қизиқиши янада орттириш, юртимизда ҳарбий хизмат нуфузи ошишиға хизмат қилади, – дейди Мудофаа вазирлиги бош бошқарма бош-

УЗА

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА БУТКУЛ БАРҲАМ БЕРИЛАДИ

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги "Ишға марҳамат" мономарказида 2019 йилда пахтачилик соҳасида муносиб меҳнатнинг ижроси ва келгусида бу борадаги вазифаларға бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, "Cotton Campaign" халқаро коалицияси, Халқаро меҳнат ташкилоти вакиллари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги масъуллари, Тўқимачилик ва тикувчилик саноати уюшмаси ходимлари, халқаро экспертлар ҳамда туман, шаҳарлар ҳокимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда меҳнатқашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларға муносиб иш шароитлари яратиш, хусусан, мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай шакллариға барҳам бериш, меҳнатни муҳофаза қилиш, бу борада халқаро меъёрий ҳужжатларға риоя этишға алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг биринчи ўринбосари Эркин Мухитдинов кейинги йилларда мамлакатимизда пахта экспорт қилишдан кўра, тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бунда пахтачилик тармоғини боқий-боқич модернизация қилишға алоҳида эътибор қаратилганини қайд этди.

Ушбу секторда мавжуд муаммоларни бартараф қилиш ва аҳолиға муносиб меҳнатни таъминлашнинг муҳимлигини билган ҳолда терим даврида меҳнат ҳуқуқлариға, хусусан, мажбурий меҳнатға барҳам беришға кўпроқ эътибор берилмоқда. Мазкур жараёнларни тартибға солувчи норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши тизимда ижобий натижаларни бермоқда. Бирок улар маҳаллий даражада ижроға оид муаммоларни келтириб

чиқараётгани кенг муҳокамаларға сабаб бўлмоқда.

Қайд этиш керакки, халқаро нормалардан ташқари 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашға қаратилган чора-тадбирлар белгиланган. Ҳозирда юртимизда ана шу йўналишдаги ишларни тақомиллаштириш, самарадорлигини ошириш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Давра суҳбатида пахтачилик тармоқларида жорий этилиши кутулаётган янги стратегия ўзгаришлар, маҳаллий даражада ижроға оид юзага келаётган қийинчиликлар муҳокама қилинди. Жумладан, халқаро экспертлар, соҳа мутахассислари иштирокида алоҳида шўьбаларға бўлиниб, пахтачилик соҳасини модернизация қилиш ва бунинг 2019–2020 йилларда пахта теримига таъсири, 2019 йилги пахта терими даврида мажбурий меҳнатға қарши кураш – қонунчилик ва амалиёт, 2019 йилги пахта терими даврида маж-

бурий меҳнат соҳасида мустақил мониторинг – натижалар ва тавсиялар мавзуларида фикр алмашилди.

Охириги пайтларда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат инспекцияси томонидан мажбурий меҳнатни буткул йўқ қилиш борасида амалға оширилаётган ишлар халқаро ҳамжамиятининг эътиборини қозонмоқда. 2019 йил пахта терими мавсумида бир қанча мансабдор шахслар мажбурий меҳнатға жалб қилиш ва теримчиларға меҳнат шароитларини яратмаганлик учун жазимаға тортилган.

2019 йилда Давлат меҳнат инспекциясининг мурожаат каналлариға мажбурий меҳнат билан боғлиқ 1 минг 282 хабар келиб тушган. Урганишлар давомида 259 мурожаатда ҳақиқатан ҳам фуқаролар мажбурий меҳнатға жалб этилгани, шунинг 118 таси пахта терими мавсумида рўй бергани аниқланди. Мазкур ҳолатлар бўйича айбдорлар жавобгарликка тортилиб, уларға 772 миллион сўм миқдорда жарималар тайинланган. Шунингдек, 3 мингдан зиёд фуқаро пахта мавсумида мажбурий меҳнатға жалб этилгани аниқ-

ланиб, айбдорлар қонунда кўрсатилган тартибда жавобгарликка тортилган.

Давлат меҳнат инспекцияси томонидан мажбурий меҳнатнинг олдини олиш мақсадида республика ва вилоят ташкилотлари раҳбарлари номиға жами 225 ёзма кўрсатма, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлариға 13 огоҳлантириш, вазирлик ва идораларға 80 тақдимнома киритилди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантиришда мажбурий меҳнатға дучор қилинганлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги айтиб ўтилди. Жорий йил ҳудудларда ташкил этилаётган пахтачилик кластерларида ишчиларға яши меҳнат шароитини яратиш, фермер хўжалиқлари раҳбарларининг вазифаларини тўғри ташкил этиш бўйича туман, шаҳарлар ҳокимлариға тушунтиришлар берилди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Президентимизнинг ҳар бир чиқиши, хусусан, мамлакат ҳаёти учун стратегик аҳамият касб этувчи маъруза ва мурожаатлари нафақат халқимиз, балки дунё ҳамжамияти томонидан ҳам катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кутиб олинмоқда.

Янги шаклланган Олий Мажлисида дастлабки Мурожаатнома ҳам бундан мустасно бўлмади. Нуфузли махаллий ва хорижий экспертларнинг яқдил хулосасига кўра, Президентимиз Мурожаатномаси Ўзбекистоннинг жорий йил ва яқин истиқболдаги тараққиётини белгилаб берувчи стратегик ва айна пайтда фундаментал асосга эга бўлган ҳужжатдир.

Дарҳақиқат, Мурожаатнома тимсолида Ўзбекистондаги бугунги ислохотлар моҳияти, яқин йилларда юртимизнинг бутун қиёфаси қай тарзда жонивдор бўлиши, халқимиз ҳаёти нечоғлиқ осуда, фаровон ва бахтиёр кечишини кўриш мумкин. Бир сўз билан айтганда, Мурожаатномада белгилаб берилган улкан марралар шунчаки эзгу ният ёки хоҳиш-истак эмас. Аксинча, ундаги ҳар бир вазифа ижро механизми, бунинг учун масъуллар, муддатлар, молиявий манбалари билан уйғун ҳолда баён этилди.

Энг муҳими, ҳужжатда, аввало, инсон ва унинг манфаатлари устувор ўринга қўйилган. Яъни "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак", деган асосий тамойилга мувофиқ барча ресурслар, имкониятлар халқимиз манфаатлари йўлида сафарбар этилиши қатъий таъкидланди.

Халқимиз эса бундай янги ва оқилона сиёсатни яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Зотан, адолат тантанаси ва қонун устуворлигини ўзи учун асосий шiorга айлантирган давлат фуқароларида сиёсатга ишонч, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари мустаҳкам бўлиши ҳаммага маълум.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам Оқсарой пештоқига "Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир" деган ҳикматли сўзларни ёздиргани ҳам бежиз эмас. У ана шу гоё асосида миллатни энг эзгу ва улғувор мақсадлар йўлида бирлаштирган ва сафарбар эта олгани ҳам тарихдан аёндыр.

Янги Ўзбекистоннинг янги-янги сиёсати ҳам айна инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш каби юксак гоёларга таянмоқда. Бироқ, афсуски, бу йўлдаги ислохотлар натижадорлигига салбий таъсир кўрсатган, тараққиётга тўсиқ бўлаётган бир қатор омиллар, иллатлар сақланиб қолмоқда. Ҳеч шубҳасиз, улардан бири ва энг хавфлиси коррупциядир. Бу иллат, аввало, халқимизнинг давлат ва ислохотларга ишончини сўндириши, жамиятда нозилик кайфиятини кучайтириши билан ҳам гоё хатарлидир.

Шу боис, истиқлол йилларида мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистоннинг 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига ва бошқа халқаро ҳужжатларга қўшилгани бу борада амалга оширилган биринчи қадам бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун ва алоҳида Давлат дастурида эса навбатдаги вазифалар белгилаб олинди. Қонунда илк бор коррупция ва манфаатлар тўқнашуви тушунчаларига таъриф берилди.

Шунингдек, қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатли органлар ҳамда уларнинг мақоми аниқ белгилаб қўйилди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш учун Бош прокурор раҳбарлигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилди.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўзининг туб моҳияти билан айна коррупцияни тағ-томири билан йўқ қилишга қаратилган тарихий ҳужжат бўлди. Унда барча соҳаларда коррупцияга барҳам бериш, унинг илдиришга шароит яратиб берилган сабабларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар баён қилинди.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон билан 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича иккинчи Давлат дастури тасдиқланди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилганлигини алоҳида эътироф этиш зарур.

Биринчидан, давлат хизмати тизими, унинг мақсадлари ва вазифалари тубдан такомиллаштирилди. Маъмурий ислохотлар концепцияси тасдиқланди.

Давлат органлари ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилиниши, моддий таъминоти ва рағбатлантирилишини кучайтиришга қаратилган чоралар кўрилди.

Хусусан, охириги уч йилда давлат хизматчиларининг иш ҳақи ўртача қарийб 60 фоизга, айрим соҳаларда эса бир неча баробарга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган давлат бошқаруви органлари ва махаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларига асосан барча вазирлик ва идораларда одоб-ахлоқ меъёрлари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва Давлат хизматини ривожлантириш бўлими ташкил этилди. Меритократия ва очиқ танловлар асосида давлат фуқаролик хизматининг "карьер модели"ни жорий этиш ишлари бошланди.

Иккинчидан, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкни ҳар томонлама

ҳимоя қилиш йўлидаги бюрократик тўсиқлар ва коррупциоген ҳолатларни бартараф этишга қаратилган мақсадли чоралар кўрилди.

Давлат органларининг назорат-текширув вазифалари мақбуллаштирилди. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизими такомиллаштирилди. Улар фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашушга йўл қўймаслик мақсадида Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти жорий қилинди.

Савдо-саноат палатаси тизими тубдан ислох этилди, давлат активларини бошқариш тизими ҳам такомиллаштирилди. Давлат харидларининг мутлақо янги тизими йўлга қўйилиб, соҳада ошқоралик, шаффоқликни таъминлаш, пировардида коррупциянинг олдини олиш мақсадида "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Солиқ тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётда ҳимоя айланиши қисқартириш мақсадида жорий йилда янги тахрирдаги Солиқ кодекси амалга киритилди. Унга мувофиқ, солиқ турлари 13 тадан 9 гага камайтирилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рўхсат бериш бўйича энгилаштирилган механизмлар жорий этилди.

2019 йилда бюджет маълумотларининг очиқлигини янада ошириш мақсадида бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг янги тартиби белгиланди ҳамда илк бор Давлат бюджетини қонун тарзида қабул қилинди.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Учинчидан, давлат хизматларини тақдим этиш ва маъмурий таомилларни тартибга солишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари такомиллаштирилди. Хусусан, маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рўхсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш мақсадида барча ҳудудларда 201 та давлат хизматлари маркази очилди. Ҳозиргача ушбу марказлар томонидан аҳолига 120 та давлат хизматлари кўрсатиб келинаётган бўлса, 2020 йилдан марказлар орқали 160 дан ортиқ шаффоқ, кулай ва тезкор давлат хизматларини кўрсатиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 2019 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, жорий йилдан бошлаб махаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг 11 турдаги ваколати тегишли давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилди. Шунингдек, махаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг 5 турдаги ваколати чиқариб ташланди.

Тўртинчидан, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири соҳада коррупцияга барҳам бериш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилганда намоён бўлмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мақсад ва вазифалари аниқлаштирилди. "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги, "Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Шунингдек, чинакам мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, унинг нуфузини ошириш ҳамда судьялар мустақиллигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди, судьяларни танлаш, тайинлаш тизими такомиллаштирилди.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Судьялар олий кенгаши ва Олий суд қўшма қарори билан суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Бешинчидан, "Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак", деган халқчил тамойил асосида барча поғонадаги мансабдор ва масъулларнинг одамлар ичига кириб бориш, уларнинг муаммоларини уйма-уй юриб ҳал этиш тизимининг жорий этилгани коррупцияга қарши курашишда ўзининг самарасини бера бошлади.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун "Халқ қабулхона"лари, Президент портали ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг "ишонч телефон"лари жорий қилинди.

Олтинчидан, жамиятда парламентнинг, ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг мавқеи кучайтирилди, уларга давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича кенг ваколатлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталар ташкил этилгани ушбу соҳада самарали парламент назоратини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Қорақалпоғiston Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгаши таркибда коррупцияга қарши

курашиш бўйича доимий комиссиялар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан "Коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" қўшма қарор қабул қилинди.

Еттинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Энг муҳими, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф қилишга қаратилган 30 га яқин қонун, 100 га яқин Президент ва Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Махаллий экспертлар, қолаверса, халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётганидек, бундай чоралар қисқа муддатда ўз самараларини бера бошлади. Жумладан, "Transparency International" халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 2019 йил бўйича эълон қилинган "Коррупцияни қабул қилиш индекси" рейтингига Ўзбекистон 5 ўрин юқорига кўтарилди. Дунёдаги нуфузли нашрлардан бири – "The Economist" журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат – "Йил мамлақати" деб эътироф этди.

Айни пайтда коррупцияга қарши курашиш борасида кўлга киритилган ютуқлардан кўра хали қилинадиган ишлар кўп.

2017 – 2019 йиллар давомида 6127 нафар мансабдор шахснинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинганлиги ҳам коррупцияга қарши курашиш аҳоли бугунги кун талабига жавоб бермаслигини кўрсатмоқда.

Ўз навбатида, биргина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини кучи билан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда ижобий натижаларга эришиб бўлмаслиги сир эмас.

Аввало, кенг жамоатчиликнинг коррупцияга нисбатан муросасиз муносабати шаклланиши зарур. Давлатнинг раҳбари таъбири билан айтганда, коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга муросасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак.

Албатта, бу машаққатли, бироқ амалга оширишимиз мумкин ва шарт бўлган вазифадир. Зотан, 2019 йилда "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фирмини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровда иштирок этганларнинг 86,6 фоизи коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини қўллаб-қувватлашни билдиришган. Демак, жамоатчилик коррупцияга қарши курашда давлат органларига қўмаклашишга тайёр.

Бинобарин, прокуратура органлари учун Мурожаатномадан келиб чиқадиган устувор вазифалардан бири ҳам – бу сўзсиз, коррупция иллатига қарши кураш самарадорлигини оширишдир.

Юқорида қайд этилганideк, кейинги уч йил давомида давлатимиз раҳбарининг ташаббус ва гоёлари, амалий саъй-ҳаракатлари натижасида бу иллатни тағ-томири билан йўқ қилиш борасида катта қадам қўйилди. Бироқ, тан олиш керакки, шунча шароит ва имкониятларга қарамастан, жамиятнинг бу балодан тамомила халос бўлишига эришилмапти.

Айниқса, баъзи соҳа ва тармоқларда коррупцияга қарши қўлланаётган ва шу тизимларнинг юқори идоралари томонидан белгиланган чора-тадбирлар қўтилган натижани бермаяпти.

Бош прокуратура томонидан яқинда соғлиқни сақлаш, олий таълим тизимларидаги, шунингдек, ердан фойдаланишдаги коррупция ҳолатлари таҳлилига бағишлаб ўтказилган тадбирлардан ҳабарингиз бўлса керак.

Биз ушбу йўналишлардаги коррупциявий ҳолатларни аниқ таҳлиллар, факт ва рақамлар асосида муҳокама қилдик, масъулларга, хусусан, прокуратура органларига тегишли қўшимча кўрсатмалар бердик. Бироқ, эътироф этиш керакки, давлатимиз раҳбарининг бу борада Мурожаатномада илгари сурган ташаббуслари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Хусусан, рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали инсон омилни камайтириш коррупцияни йўқотишда ҳам катта самара беради.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чеклиниб қолмасдан, нима сабадан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деган саволни ҳам қўнданланг қўядиган, таъйиқлар учун жавоб берадиган вақт келди. Бу ҳам, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзида коррупцияга барҳам беришнинг энг муҳим омилларидандир.

Айни пайтда парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этиш ташаббуси давлат бошқарувидаги тарихимизнинг янги саҳифасига асосланди. Зеро, жаҳоннинг кўпلىг барқарор ва тараққий этган мамлакатларида ҳам коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида органлар давлат ва жамият равнақига катта ҳисса қўшмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси барча йўналишлар қатори коррупцияга буткул чек қўйишнинг ҳам янги истиқболларини очиб берди.

Бу тарихий имкониятдан оқилона фойдаланиб, давлат ва жамият равнақига ҳисса қўшиш бахтига, пировардида халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлишига эришиш барчамизнинг ҳамкорликдаги ҳаракатларимизга, шижоатимиз ва фидойилигимизга боғлиқдир.

Нигматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори
ЎЗА

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармони билан таъсис этилган "Юксалиш" умум миллий ҳаракати қарийб бир йилдан ортиқ вақт мобайнида мамлакатда фаолият юритиб келаётган нодавлат-нотижорат ташкилотлари ишини мувофиқлаштиришда, уларга услубий ва амалий жиҳатдан кўмак беришда яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 31 январь куни ҳаракатнинг сиёсий партиялар билан имзолаган меморандуми ташкилотнинг нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан алоқалари янада кучаяётганлигидан дарак беради.

Маълумки, ҳаракат ташкил этилган санадаёқ сиёсий партиялар фаолиятини ўрганиш ва баҳолаб бориш бўйича бир қатор самарали ишларни амалга оширди. Ташкилотнинг ўтган йил сўнгида бўлиб ўтган сайлов жараёнидаги фаолияти бунга мисолдир. Бу ишлар ҳаракатнинг кейинги фаолиятида ҳам узвий давом этади. Шубҳасизки, буни сиёсий партиялар билан имзоланган ҳамкорлик меморандумидан ҳам англаш жоиздир.

Дастлаб, ҳамкорлик меморандуми имзоланишидан аввал сиёсий партия вакиллари, ҳаракатнинг Тошкент шаҳар бўлини маси ҳамда "Оила" илмий-амалий маркази ходимлари билан ҳамкорликда давра суҳбатини ўтказишди. Унда "Юксалиш" умуммиллий ҳаракатининг бугунги кундаги фаолияти, эртанги кун мақсад ва режалари тўғрисида йиғилганларга апрофлича маълумотлар берилди.

Жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳам келгусида кенг истиқболли режалар ўрин олган меморандум иштирокчилар гувоҳлигида тантанали имзоланди. Бўлгуси ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

Муслим ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар
Кенгаши мутахассиси

Реклама ва эълонлар

"Realtor Garant Business" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказилган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига 2019 йил 11-сонли шартномасига асосан 2019 йил 2 октябрда тўхтатилган мулкни такрорий аукцион савдосига қўйидаги мулклар Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчасида жойлашган 926 кв. бино бошланғич баҳоси – 2.500.000.000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 20 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунилари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2020 йил 18 февраль куни соат 18:00 гача қабул қилинади.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талбдорлар 50 фоиз кам бўлмаган миқдорда закатал пул тўланади.

"Realtor Garant Business" МЧЖнинг АКБ "Универсал банк" Тошкент филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9049 3605 0004. МФО: 00996. СТИР: 207 125 885. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 3-мавзеси, 4-уй. Телефон: (99) 009-54-35.

Гувоҳнома № 0052

Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежи томонидан 2011 йилда Норматос Сирожиддин Собиржон ўғли номига берилган К № 2265681 рақамли, рўйхат рақами 2676 бўлган диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Андихон вилояти бўлими, Асака ва Марҳамат филиалларининг фойдаланишга эҳтиёжи қолмаган думалоқ гербли муҳрлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар кўрғони, "Микрорайон-1" кўчасидаги 5-уй, 22-хондон эгаси Малилова Масуда Юнусовна номига 1993 йил 4 майда берилган № 016-01-81 рақамли давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўрта Осиё медицина педиатрия институти томонидан 23.07.1984 йилда Мирталипова Маъмура Василдаванова номига берилган ИЛ-1 № 312292 рақамли (6806-рўйхат рақамли) диплом, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти томонидан 2019 йилда берилган 012495 қайд рақамли сертификати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бешкўрғон 3-тор кўчаси, 11-уй эгаси Якубова Воҳида Раимовна номига Чилонзор туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Республика касб-ҳунар коллежи томонидан 2011 йилда Самадов Ахат Дамирович номига берилган К № 2232796 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманидаги 28-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1992 йилда Абеев Азизбек Молдарамович номига берилган А № 024432 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи ҳамиша ўқувчилар, талаба-ёшлар, тадқиқотчилар, сўз санъати мухлислари билан гавжум. Музей кўп асрлик ўзбек адабиёти билан боғлиқ бўлган қўлёзмалар, турли ҳужжатлар, расмлар, хотиралар, фотосуратларни ўзида тўпловчи, сақловчи ва кўргазмалли материаллар тарзида намойиш этувчи ноёб маданий-маърифий ва илмий даргоҳ саналади.

биринчи нашрларини тайёрлашда фаол иштирок этган.

Мазкур музей наинки маърифат маскани балки, илмий муассаса ҳам саналади. Бу даргоҳда музей ўзбек адабиёти тарихи бўйича тадқиқотлар олиб борадиган алоҳида бўлимларга ҳам эга. Қўлёзма ва тошбосма китоблар бўлимида қўлёзмалар адабий манбашунослик нуқтаи назаридан ҳам ўрганилади. Яъни ўзбек адабиёти тарихига дахлдор ижодкорлар, шоир ва адибларнинг қўлёзмалари муқамал тадқиқ этилади. Илмий жамоатчиликка таништирилади ҳамда жуда ноёб қўлёзмаларни фахримиле нашрга тайёрлаш ишлари ҳам олиб борилади. Фахримиле нашр мутахассисларга манба билан ишлашда қулай имконият яратилиши билан аҳамиятлидир.

Музейда Ўзбекистон ёзувчи ва шоирлари, адабиётшуносларининг архивларини ўрганиш бўйича ҳам муайян ишлар олиб борилади. Ушбу архив материаллари илмий тавсифдан ўтказиб, ҳужжатлаштирилади ҳамда унинг асосида каталог сифатида нашр этилади. Масалан, ўзбек навоийшунослигининг ёрқин вақилларидан бири, Навоий асарларини бугунги алифбодга ўқишга тайёрлаган олим Порсо Шамсиевнинг архиви нашр этилган. Порсо Шамсиев шахсий архивининг каталогида навоийшунос олимнинг архиви тўлиқ тавсифдан ўтган. Шу билан бирга, навоийшунос олим Натан Маллаевнинг архиви ҳам тўлиқ нашр этилди. Бундан кўзланган мақсад олимнинг ижодий лабораториясига кириш, у билан батафсил танишиш, турли сабабларга кўра нашр бўлмаган ишларини, илмий тадқиқотларини нашрга тайёрлаш ва адабий, илмий жамоатчиликка етказишдан иборатдир. Бу каби маърифат масканлари бой ва бетакор меросимиздан баҳраманд бўлиш билан бирга, ёшларда улуг боболаримизга муносиблик маъсулятини кучайтириш, ёш авлод маънавиятини юксалтиришда, адабиётга, яъни китобга бўлган меҳрини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Назokat УСМОНОВА

НАВОИЙ – БЕБАҲО ХАЗИНА

лаймонов, Порсо Шамсиев, Азиз Қаймонов, Саидбек Ҳасанов ва бошқа кўп қўлаб навоийшунос олимларнинг меҳнату машаққати, изланишлари сингган. Навоий асарларининг турли мамлакатларда ўрганилишига доир махсус стенд шоир меросига жаҳон миқёсида бўлган улкан қизиқиш ва эътибордан дарак беради.

Инсонпарварлик, доломандлик, адролат, холислик, ҳалоллик, юртга муҳаббат, комиллик сари интилиш каби гоғларга йўрилган бу бебаҳо мерос ҳали ҳамон ўз долзарблиги, тарбиявий аҳамияти, ҳикмати билан жаҳон аҳлини ҳайратда қолдириб келмоқда. Навоийнинг устозлари, шоир ғазалларига ишланган гўзал деворий сурат устоз мусаввир, Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров томонидан яратилган. Музейни ўзига хос нодир асарлар тасвирий галереясига қиёсласа арзийди. Негаки, бу ерда Чингиз Аҳмаровнинг но-

ҳир ижодкорлар билан биргаликда ёш рассомлар ҳам фаол ҳисса қўшган. Бобур ҳайкали, унинг сиймоси, болаглиги, гоҳ зафарли, гоҳи мағлубиятли юришлари акс эттирилган картиналар, паннолар, деворий суратлар томошабинда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Ҳатти Бобур – шоир жорий этган алифбодан намуна, “Бобурнома”, “Мубайин” ва бошқа асарлар, дилбар ва бетакор ғазаллари, бобуршуносликка оид тадқиқотлар, китоб ва илмий ишлар адабиёт мухлисларини бефарқ қолдирмайд.

Сир эмаски, истиклол йилларида Бобур меросини ўрганиш янги поғонага чиқди. Музейнинг олимлари томонидан диний мавзудаги асар бўлган “Мубайин” асарининг ноёб нусхаси туркиялик олимлар билан ҳамкорликда ўрганилиб, нашр этилди. Музей олимлари Бобур фонди олимлари билан ҳамкорликда яратилган Бобур энциклопедиясининг

“достонлари ҳар бири алоҳида-алоҳида китоб тарзида янгидан нашр этилди. Ушбу нашрнинг фарқи жиҳати, достондаги воқеалар, китобхон учун тушунарли сўз юлган айрим атамалар навоийшунос олим Ваҳоб Раҳмон томонидан шарҳланган ва изоҳлар берилган. Айни пайтда нашриёт жамоаси Алишер Навоийнинг бошқа асарлари, ғазал ва рубоийларини жамлаган ҳолда босқичма-босқич чоп этишни ҳам режалаштирган.

– Кейинги йилларда юртимизда ноширлик ишига кўрсатилаётган эътибор натижасида миллий сўз санъатимизнинг даҳолари ижодини нашр этишга оид ишлар тобора ортди, – деди Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош директорининг ўринбосари – бош муҳаррири Ҳабиб Абдиев. – Мумтоз адабиётимиз намуналари нашр этилиши ёшларнинг адабиётга бўлган меҳрини тобора орттиришга хизмат қилади.

Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг улуг мутафаккирларимиз меросини тарғиб этишга оид амалий ишлари хусусида ҳам сўз юритилди.

(ЎЗА)

УМРБОҚИЙ МЕРОС

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъан сайёр”, “Садди Искандарий” достонларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Маждид, адабиётшунос олим Нурбой Жабборов, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмадхон Мелибоев ва бошқалар миллий адабий меросимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, уни ёш авлодга содда, раво, илҳам тарзда тушутириш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

Шоир бобокалонимиз Алишер Навоий миллий сўз санъатимиз, она тилимиз раванқи, унинг жаҳонга танилишига бекиёс ҳисса қўшган. Улуг мутафаккирнинг асарлари тинчликпарвар, юртпарвар, инсонпарвар гоғлари билан лиммо-лимлиги сабабли, жаҳон адабиётининг энг дурдона намуналари сирасига киради.

Беш достонни ўзида жамлаган “Хамса” аса-

ри шоирнинг мангуликка дахлдор ижодий меросидир. Достонлар бири бошқасини такоррламаслиги, бадий жозибаси, толиннинг ниҳоятда бойлиги ва гўзаллиги, пурмаънолиги билан наинки навоийшунослар, балки дунё адабиёт мухлисларини ҳамон ҳайратга солмоқда. Навоий меросига бўлган қизиқишининг тобора ортиб бораётгани сабаби шунда, десак муболага бўлмайди. Мамлакатимизда даҳо шоир меросини тарғиб ва ташвиқ этишга, ундан китобсеварларни баҳраманд этишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан “Хам-

қодир спортчилар етишиб чиқмоқда. Ёшларни янги марралар сари ундовчи ушбу мусобақанинг биринчи кунинда теннисчилар жамоавий бахсларда рақобатлашмоқда. Унда Жиззах, Самарқанд, Наманган ва Қорақалпоғистон жамоалари устунлик қилмоқда.

– Универсиадада юқори савияда ўтказиш учун иштирокиларга барча шароитларни яратиб бердик. Шунингдек, мусобақалар адолатли ўтиши учун олий тоифали ҳакамларни саралаганмиз. Универсиададан ҳар бир йўналишининг спорт мутахассислари кузатиб бормоқда. Ушбу спорт мусобақаси янги номларни кашф этишга ёрдам беради, – деди мамлакатимиз стол теннис федерацияси раиси Саида Маҳмудова.

ХАЛҚАРО СПОРТ ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” санъат саройида пенчак силат бўйича халқаро фестиваль ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, мамлакатимиз пенчак силат федерацияси ва қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган фестивалда Марказий Осиё давлатлари, Индонезия, Малайзия ва Россиядан келган пенчак силат усталари ҳамда санъаткорлар иштирок этди.

Халқаро фестивалнинг тантанали очилишида мамлакатимизда спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказишда спортнинг ўрни бекиёсслиги ва спорт орқали ёшларимизни соғлом бўлиб камол топишлари учун барча имкониятлар яратилаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтилди. Бунинг самарасида юртимизда яқкаураш спорт турлари янада ривожланаётганлиги ва бир қатор нуфузли мусобақаларда ўзбек спортчилари шохсупага кўтарилаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимиз спортчилари яқкаураш спорт турлари бўйича дунёда етакчилардан. Ёшларимиз бокс, кикбоксинг,

каратэ, тазквондо, дзюдо, пенчак силат сингари қатор спорт турлари бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатларида, нуфузли халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришиб келмоқда.

Ўзбекистон пенчак силат федерацияси томонидан мазкур халқаро фестивалнинг ташкил этилишидан кўзланган мақсад ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни спортнинг яқкаураш турларига кенг жалб этиш, спортчиларимизнинг тажриба ва маҳоратини оширишдан иборатдир.

– Юртимизда ташкил этилган нуфузли фестиваль аjoyиб ўтди, – дейди мамлакатимиз пенчак силат федерацияси раиси А.Жўрабоев. – Бундай фестиваллар спортчилар ва миғнаб ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу каби спорт тадбирлари мамлакатимизда мунтазам ташкил этилиш, аҳоли ўртасида пенчак силат спорт тури янада оммалашади ишонанам.

Жавохир ТОШХҲАЕВ

Бир пайтлар машҳур “Баҳор” ансамблининг рақсларини халқимиз севиб томоша қиларди. Болаликнинг энг ёрқин ва самимий хотиралари сирасида онгимга муҳрланган мазкур жамоанинг рақслари ўзгача нафосати, жозибаси, гўзаллиги билан барчани мафтун этгани ҳеч кимга сир эмас. “Баҳор”нинг шону шухрати катта авлод вақилларининг ҳамон ёдида сақланиб қолган.

“БАҲОР” ЯНА ҚАЙТАДИ

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча эълон қилинган бир эмас, икки қарори миллий рақс санъатимизнинг раванқида дахлдор экани билан мамлакатимиз маданий ҳаётида катта воқеалик бўлди, десак янглишмаймиз. “Рақс санъати соҳасида юқори маънавият кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар ўзбек санъати ривожига янги саҳифа очиб бериши йўлидаги амалий гамҳўрликнинг ёрқин намунаси.

Манбаларга кўра, Ўзбекистонимиз худудларида рақс санъати жуда қадимий илдизларга асосланган бўлиб, ўзида халқ оғзаки ижодиёти, мусиқа, қўшиқ ва рақслари мужассам этади. Тарихдан бизгача “катта ўйин” номи билан маълум доира усулларига мос ҳаракатлар асосига қурилган рақс санъати ва бошқа рақслар етиб келган.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу мерос Ўзбекистоннинг турли худудларида турли рақс мактабларининг пайдо бўлиши ва ривожланишини яққол намоян этади. Хоразмда олов билан рақсга тушиладиган “Оташ ўйин”, Бухорода аёлларнинг ўзига хос жўшқин тарзда ижро этилган рақслари, Самарқанд вилоятининг тоғли туманларида эрақларнинг қарсақ билан ижро этиладиган “Бешқарсақ” рақслари мавжуд. Сурхондарёнинг тоғли худудларида йигитларнинг кўзларини ярим юмган ҳолда кўрсатиб бармоқларини осмонга қаратиб тушадиган, шу ерлик аёлларнинг эса чанқовуз жўрлигида ёки қўлда қўшиқ тутганча усул бериб тушадиган рақслари ҳам сақланиб қолган. Фарғона водийси аёлларининг рақслари эса вазмин ҳаракатлар, сокинликка мойиллиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбек рақс санъатининг усталари ва устозлари сифатида Юсуфжон қизик Шакаржонов (1869-1959), Уста Олим Комилов (1875-1953), Тамарахоним, Муқаррам Тургунбоева, Исхор Оқилов, Галия Измайлова, Елизавета Петросова, Қўндуз Мирқаримова, Розия Каримова ва бошқа кўлаб маҳоратли рақс усталари тан олинган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон худудиди 5 та рақс мактаби – Фарғона, Тошкент, Бухоро, Хоразм, Сурхон, Қорақалпоқ мактаблари мавжуд.

Миллий рақс санъатимизнинг бой ва бетакор аъёнларини, айниқса, “Баҳор” ансамблининг репертуари, рақсларининг ранг-баранглиги, нафосатини юртимизга ташир буюраётган санъаткорлар, бадий жамоалар, балет ва хореография, рақс санъати усталари, таникли режиссёрлар, мусиқа даргалари кўп бора эътироф этган. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидламоқ зарурки, ўзбек миллий рақслари, раққосаларимизнинг ижро маҳорати, истеъдоди, дунёнинг ҳеч бир ерида учрамайдиган нафис, камалак жилюли, кўзни олувчи либослари ҳеч бир халқниқидан асло кам эмас.

Юртимизда доимий ташкил этилувчи концертлар, йирик мусиқий тадбирлар, кўлаб санъат фестиваллари, ижодий танловлар миллий рақс санъатимиз истеъдодларга бой эканини яна бир қарра намоян этмоқда. Шу билан бирга бу соҳада изланаётган ёшларга бўлган ишонч ва эътиборнинг амалий намунаси.

“Баҳор” рақс ансамблининг қайта ташкил этилиши устоз санъаткор, моҳир педагог, тенгсиз раққоса Муқаррама Тургунбоева бошлаб берган аъёнларнинг қайта тикланиши, уларнинг давоми дея атак мумкин. Жаҳоннинг кўлаб мамлакатларида ижодий сафарда бўлиб зафар қозонган ушбу ансамблининг “Пахта рақси”, “Қари наво”, “Баёт”, “Катта ўйин”, “Дилхирож”, “Роҳат”, “Етти гўзал”, “Теримчи қиз”, “Пилла”, “Тинчлик қабутари”, “Фарғонача”, “Хоразмча”, “Уфори санам”, “Баҳор вальси”, “Гул ўйин” каби кўлаб рақс композициялари мухлисларнинг ҳамон қалбида. Ансамблининг Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Уғилой Мухамедова, Зиёда Мадраимова каби кўлаб раққосаларининг ижро маҳорати, юксак истеъдоди, саҳна маданияти, томошабинга ҳурмати ва фидойийлиги, санъат ривожини йўлидаги заҳматлари ҳали ҳамон кўлаб ёш ижорчилар учун бетакор маҳорат мактаби вазифини ўтати шубҳасиз.

Юртбошимизнинг миллий рақс санъатига доир қабул қилган қарорлари барча юртдошларимиз, санъатимизнинг оддий мухлислари, соҳа фидойилари, хореограф ва рақс усталарини гоғат қувонтирди. Демак, “Баҳор” яна қайтади!

(ЎЗА)

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ. Тошкент шаҳрида 8 февраль кунини ҳаво ўзгариб туради, ёлғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 5-7 даража илқ, кундузи – 18-20 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 8 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратибди, ифлослисини даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми. Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълолар: (0-371) 233-28-95. 2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Бунинг электрон манзил: gazeta-vto@gmail.uz. Нашр кўрсаткичи — 563. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1193 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Нашр учун масъул О. Ҳазратов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармачиси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ. Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 15.10. 1 2 3 4 5